

PEDAGOGIKA ILIMLERI

Pedagogika teoriyası hám tariyxı

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ШАРҚИЙ ОСИЁ
РАНГТАСВИРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.Ф. Абдирасилов – педагогика фанлари номзоди, профессор в.б.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: хитой рангтасвири, каллиграфия, иероглиф, анъанавий образлар – бамбук, орхидея, хризантема, бўёқ суртмаси, акварел мўйкалами.

Ключевые слова: китайская живопись, каллиграфия, иероглиф, традиционные образы – бамбук, орхидея, хризантема, мазки краски, акварельная кисть.

Key words: Chinese painting, calligraphy, hieroglyph, traditional images - bamboo, orchid, chrysanthemum, paint strokes, watercolor or brush.

Ўзбекистонда умумтаълим мактабининг Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури асосида айрим мавзулар, масалан, 6-синфда «Шарқий Осиё мамлакати – Хитой санъати ҳақида суҳбат, миллий рангтасвир рассомларининг композиция ишлаш каби мавзулар назарда тутилган. Бу йўналишдаги қуйидаги ўқув материаллар амалиётчи тасвирий санъат ўқитувчи учун методик ёрдам сифатида хитой анъанавий рангтасвир ишлаш технологиясини тасвирлаш сирларини кўргазмалар ҳолда ифодаланган ва мавзуларга оид материаллар тақдим этилади.

Дарснинг асосий мақсади: Хитой рангтасвирининг энг муҳим ҳисобланган тури «нам қоғозда» ишлаш усулини ўргатиш; хитой иероглифини тасвирли ёзиш қоидалари ва малакасини ўзлаштириш; бошқа халқнинг санъат қадриятларини ҳурмат қилиш ва муҳаббат уйғотишга тарбиялаш. Бу билан бирга қуйидаги вазифалар амалга оширилади: Хитой маданияти билан таништириш; иероглифнинг пайдо бўлиш эволюцияси тушунчасини бериш; анъанавий рангтасвир технологияси билан таништириш.

Хитой ёзувининг асоси хан иероглифлари ҳисобланади. Қадимдан рангтасвир ва каллиграфияларнинг бир-бири билан жуда ҳам яқинлиги ҳақида сўз юритилади. Рассомлар ҳам, каллиграфлари ҳам бир хил ашёлар ва асбоблардан (мўйкалам, бамбук толасидан тайёрланган юмшоқ говакли қоғоз ва хитой туши), шунингдек, бир хил ёзув услубидан фойдаланишади.

Хитой рангтасвири ва каллиграфияси ўртасида умумийлик жуда ҳам кўп. Уларнинг ҳар бир рассоми, бошқалар ақл бовар қилмайдиган ажойиб каллиграфдир. Буларнинг ҳаммасига хитой тасвирий санъатининг асоси бўлиб **чизик** хизмат қилади. Хитой рангтасвирчилари энг **оддий чизиклар** ёрдамида юқори бадиий асарларни яратишди. Чизиклар орқали рассомнинг ҳис-туйғулари образда акс этади. Бундай маҳоратни мўйкалам билан ишлаш техникасидан ажратиш бўлмайди улар асрлар давомида такомиллашиб келмоқда.

Хитойда туш воситаси ўз олдига алоҳида қимматли санъат асари каби бўлиб у жуда ҳам муҳим, унинг ишлатиш услублари **гунби** - «серҳаракатли мўйкалам» ёки **сеи** - «ғоя рангтасвири» картина асосида чизикли тасвирда ифодаланади. Қадимги рангтасвир ишлаш жараёнида буюк усталар тасвирнинг контур чизикларини туш билан шахсан ўзлари чизишган, ранг бериш жойларини ўқувчиларига топширишган. Фақат туш ва сув билан бажарилган асарлар мавжуд.

Минг йиллар давомида хитой рангтасвири ўзининг ихчам бадиий ифодалаш услубини ишлаб чиқди. Хитой рангтасвирида **ўсимлик** рамзи маъносидан йилнинг тўрта фаслини тасвирласа, ой ёки шамлар эса – чуқур кечани ифодалайди.

Хитой асарлари – бу шундай санъат турики, асар томошабинда жуда кўп фикр ва ҳис-туйғуларни уйғотади. Тасвирланган бамбук – бу оддий ўсимлик эмас, инсон характерининг рамзи. Хитой адабиётида бамбук – ростгўй ва олижаноб образи мужассамланган

одам саналади. Демак, рассом ўз асарида бамбук орқали юқори ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳақиқий шахсни тараннум этади. Агарда ўсимликнинг ҳаётий кучини ва барқарорлигини, шамолдаги барглариининг шитирлашини ифодалаб, юксак мақсадларга интилаётган олий ҳимматли шахс рамзини кўрсатади. Шунинг учун ҳам туш билан ишлаш сирларини удалаш оддий иш эмас. Ғалвиракли қоғоз устига қўйилаётган ҳар бир тушли суртма бекаму-кўст(бенуксон) хатосиз бўлиши керак, негаки уни ўчириб ҳам тузатиб ҳам бўлмайди.

Анъанавий хитой рангтасвирининг маълум жанрлари мавжуд: манзара «тоғ ва сувлар» [1:13-14], «гуллар ва қушлар» рангтасвири, портрет ва анималистик жанрларидан иборат. Масалан, XVIII асрда атоқли рассом Чжэн Баньцяо умрининг охиригача фақат бамбук, орхидея ва тошларни тасвири билан шуғулланган.

Хитой рангтасвирида «Гунби» услуби ўзига хос нозик ва мукамал график тарзи бўлиб бўёқларни пухтали билан устига қўйиш ва майда қисмларига ишлов беришни англатади; бу услубда бажарилган асарларда чолнинг соқолидаги сочини ҳам санаш мумкин.

«Сеи» услуби - кенг мўйкаламда тасвирни бажарадиган эркин услуб. Бу услубда ишлаётган рассомларнинг асосий мақсади нарсанинг ташқи кўринишининг ўхшашлигини ифодалаш эмас, унинг туб маъносини акс эттириш. Бу икки услуб Хитойда қадимдан кенг тарқалган ва улар бир-бирини ўзаро тўлдириб боришади.

Хитой рангтасвирида ўзгача асар тури мавжуд - ўроғлик қоғоз - асарлар. Улар таёқчаларга ўралган ва маҳсус қутида сақланган. Одатда, асарлар анъанавий хитой қоғозида ўзига хос бўёқлар ва туш билан (бугунги асргача, қоида бўйича, бўёқларни ўсимлик ва минерал ашёлардан шахсан ўзлари тайёрлашган, ҳозирги вақтда уларни ихтисослашган дўконлардан харид қилиш мумкин) тасвирланган ва уларни минг йиллар давомида сақлаш мумкин. Энг қадимги яхши сақланган ҳолдаги жуда эски қадимий ўрама-асарларни, ҳозирги кунда хитой музейларида кўришимиз мумкин.

Япония тасвирий санъати Хитой рангтасвири техникасига мослашган. Уларнинг тасвирида япон эстетикасининг – оддийлик ва нафислик тамойили равшан намоён бўлмоқда. Бу йўналиш хитой тушидан пайдо бўлиб, уни Хитойдан Японияга будда мактабининг монахлари(дарвиш) олиб келишган. Японлар бу санъатга дунё одамларини мафтун қиладиган (қиска ва аниқлик) лўндалик, бир қатор аскет тимсоллари билан ўз фалсафасини инъом қилган.

Хитойда «нам қоғозда» ишлаш технологиясида мукамал ўзлаштиришлари лозим бўлган тўртта анъанавий образлари бор – бамбук, орхидей, хризантема ва олхўри новдаси – уларни тасвирлашни ўзлаштирилиши кейинги тасвирий фаолиятида катта ёрдам беради. Уларнинг ҳар бири бир нечта суртмалар усулидан иборат бўлиб, кўп буюмлар шу ишлаш технологиялар асосида тасвирланади. Шунинг учун қуйида бамбук

образини тасвирлаш боскичи мукамал тушунтирилади. Факат уларни шоли қоғозига эмас, фойдаланаётган оддий акварель қоғозда ишланади.

Тасвирлаш учун шароитлар яратиш учун барча иш курол ва жиҳозлар ўнг томонга жойлаштирилади. Хаёлингизни тасвирланаётган буюмга қаратинг, эхтимол, бошқа шовкинларга чалғимаслик учун плеерда хотир-жам оҳангдаги мусикани қўйишингиз мумкин бўлади. Ишлаш жараёнида қўл эркин ҳаракатланади; ўтириб ишлаган пайтда оёқларни чалиштириб ўтириши мумкин эмас.

Мўйқалам билан ишлаши бизникдан жуда ҳам фарқ қилади. Шунинг учун уни ўзлаштиришда эътиборсизлик қилмасдан – янги малакаларга эга бўлинг.




Мўйқаламни тик ҳолатда, ўр-талиқ оралиғини юқорисидан ушлаш керак – бунда биланинг энг кўп ҳаракатланишига эришилади, қўлнинг юқорида жойлашуви кенг суртмаларни бажаришга ҳам имкон беради.

Мўйқаламни ушлаш ҳам ўзига хос – бармоқларни озгина қовуштириб, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар мўйқалам олдида бўлиб, каттаси ёнбошида, тўртинчи бармоқ мўйқаламни орқасидан тирноғи билан ушлаб туради. Расмда кўрсатилганидек.

Тасвирлаш сирлари.

1. Тўқ ва оч суртмаларни бажарганда, биттаси иккинчисини устидан бекитади – авваломбор тўқ суртмани туширамиз, кейин очроқни – ана шунда туш ёйилиб кетмайди.

Таққосланг:



Оч суртма биринчи туширилган. Унинг орқасидан устига тўқ тусли суртма юритилган қора ранги оч суртма устида ёйилган.

2. Биринчи суртма тўқ. Кейинги оч суртма факат озгина тўқ рангнинг чегарасини юмшатган. Суртмалар шаклини йўқотмаган.

3. Имкон даражасида битта жойга икки мартоба суртма юритиш керак эмас, бу сезиларли – чизик кўрқинчли қатъиятсиз кўринишга эга бўлади.

4. Тасвирланаётганинг яхлит идрокни таъминлаш учун бамбукни битта бандининг ҳамма бўғинини, гулни ва бошқаларни тушга битта ботириш билан бажаришга ҳаракат қилиш керак. Бўлмаса чигаллик бўлади – бамбукли дарахтзор турли тусдаги бамбукли бўлақлар тўпи каби кўринади.

5. Тўқ билан оч суртмаларни кесиштириш ҳолатда тасвирланг – аввало тўқ суртмани қўйинг, кейин очроқни – шунда туш ёйилиб кетмайди.

6. Энг яхшиси хаёлни узоқ жамлаб, тез ва аниқ ишлаш керак.

7. Қўлни эркин ушлаб, у бемалол ҳаракатда бўлиши ва нафис, ишончли суртмаларни ҳосил қилиши учун тўғри ўтириши керак.

8. Агарда хитой туши бўлса, олд кўринишидаги тасвирлардан кейин орқа фонини бўяш мумкин.

9. Образни тасвирлашда ихчам, лўнда бўлишига эришиш – қанчалик кам суртма ва уриниш бўлса, шунчалик яхши, бироқ суртмалар шакл, материал, ёруғ-соёни имкон борида акс эттириши керак.

10. Чизиклар жўшқин ва қарама-қаршиликда бўлиши керак – бу ишга ифодалилик бағишлайди.

11. Симметрияни рад қилинг – бу табиий эмас.

12. «бирор ишга қўлини ўргатиш»ни оддий такрор-

лаш билан эмас, ҳар бир юритилган суртма олдингига нисбатан яхшироқ ифодалашга ҳаракат қилинг, барча хаёлингиз яратилаётган образга йўналтирилсин, натижани ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Рассом ўз маҳоратини сюжет композициясини қандай талқин қилишида намоён бўлади. Хитой рассомларининг асарлари мазмунли рамзларга бой. Хаттоки, гулларни тасвирлаётганда хитой рассоми бизларга ҳаёт мазмуни тўғрисида баён қилишади. Гуллаётган олхўри тасвирининг маъноси янгиланиш ва ишонч рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади, чунки бу ўсимлик қишдан чиқиб баҳорда қайта гуллайди.

Орхидея эса, бу гўзаллик, камтарлик ва нозиклик рамзи саналади [2:35].

Хитой рангтасвирига хос суртмалар минг йиллар олдин каллиграфик штрихлардан пайдо бўлган. Каллиграфияга асосланган суртмаларни икки тури мавжуд: томчисимон ва суяксимон суртмалардан иборат.

Намунада ҳар хил саккизта суртмалар келтирилган, унинг негизида суртмаларнинг иккала тури ҳам қатнашапти. Каллиграф штрихлар орқали сўзлар ёзилган: сарик, минг, бахт тилаш, баҳор ва бахтли янги йил тилайман. Бундай каллиграфик тасвирлашни ўзлаштириш учун газета қоғозига суртмаларни бажаришни машқ қилиб шуғулланиши керак бўлади.

Бамбук. Бу Хитой рассомлари ҳар доим тасвирлайдиган тўртта (орхидей, гуллаётган олхўри ва хризантема) ўсимликлардан биридир. Уларни ўз навбатида хитойликлар юқори баҳолайдиган ва кадрлайдиган тўртта сифатни (куч, гўзаллик, обрў ва узоқ умр) рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади [2:32].

Бамбукни тўғри ковак ичи бўш пояси(банди) камтарликни ва буддизм идеаллари ер истагидан эркин бўлган қалб ва онгни мужассамлантиради.

Монохром деб – бир оч қул ранг тусли буёқга айтишади. Факат битта рангга бажарилган асарни монохромли деб аташади. Монохромли туш рангтасвирида қора тушнинг етти таси ишлатилади (тўқ қорадан оқгача). Бунга бамбук тасвири мисол бўлаолади. Бу техникани будда дарвеши Чжун Жэнь яратган.

Бамбук ичи бўш пояси-бандининг асосини тасвирлаш учун мўйқаламни вертикал ҳолатда ушлаб, қилни қоғозга босиб пастдан юқори томон юритинг. Бандини ҳар бир қисми тўғри бўлиши керак, шунингдек, эни бир хил ўлчамда бўлиб, тугунлар оралиғи эса доимий ўзгармаслик бўлиши керак. Тугунларни ҳосил қилиш учун қоғоз устида юқорига юритилаётган мўйқаламни озгина ушлаб туриш лозим бўлади.

Мўйқалам билан бандни тасвирлашда тахминан 45 градусли бурчак қиялигида чизилади. Бу суртмалардан

бирида мўйқалам тик ҳолатда юритилмайди. Мўйқалам пастдан юқорига қараб юргизилади.



Банд бўғими қўлнинг тезлик ҳаракати билан кейинги уламасигача чизилади.

Банднинг улама жойларида мўйқалам озгина ушлаб туриб қоғозга қаттиқ босилади. Шу усулда банднинг керакли йўғонлиги ва тусни тўқлиги ҳосил бўлади.

Акварель қоғозига қаттиқ босиш усулида чизилмаса, мўйқаламни банд бўйига қўндаланг бўйича у томонга ва орқага қисқа ҳаракатда юритиб, керакли йўғонликни ҳосил қилиш мумкин.



Бандини тасвирлашга дағал мўйқалам тўғри келади – масалан, от қилидан ясалган. Мўйқаламга сув олиб, енгилгина сувни сиқинг, мўйқаламнинг 2/3 қисмига оч қулранг туш-

ни ва 1/3 қисмига эса – энг учгинасига – тўқ рангдаги тушни ботириб олинг. Тус градиацияси банднинг цилиндрсимон шаклини ифодалаш учун керак. Битта банднинг барча қисмини тугатмагунча тушнинг янги порциясини қайта олманг – шунда у бир хил кўринади.

Бир неча новдани биргаликда тасвирлаганда, турли дағалликдаги, йўғонликдаги мўйқалам қўллангани маъқул, улар турли тўйинганликдаги тусни олишади.

Қизиқарли композиция ҳосил бўлади. Катта қилиб битта бандни тасвирлашда, унинг фактурасини ифодалашга имконият берадиган дағал мўйқаламдан фойдаланиш керак. Расмга қаранг.

Яратилаётган образнинг асосий усуллари кўриб чиқамиз. Кўрилаётган тасвирий элементларнинг ҳар бирини ўзлаштириб олинг.



Бамбук уч қисмли суртмадан иборат – япроқ, банди ва барглари шохи.

Барглари тасвирлашда сувсар килли мўйқалам билан чизик юритинг, аввало қоғозга салгина теккизиб, кейин аста секин босиб ва сўнггида, яна шошмасдан мўйқаламни кўтаринг. Мўйқаламни енгил, тик ҳолатда ушланг.



Кейинги вазифамиз бирданига баргга шохи билан тасвирлаш. Мўйқалам учи билан ингичка чизик юргизилади ва шохини ҳосил қиламиз. Мўйқаламни узмасдан босиб давом этамиз, кейин шошмасдан чизикни тугатамиз.




Барглари йиғиб тасвирлаймиз. Тушни ёйилиб кетишини олдини олиш учун тасвирлашни энг тўқ рангдаги барглardan бошлаймиз. Эски барглари ўзига хос фактурасини – кўпроқ горизонтал ва тарвақайлаган кўринишда бўлади – улар ёш барглarga ўхшаб жуда ҳам силлиқ ва батартибли эмас. Бунини тасвирлашда мўйқалам одатдагига кўра анча қуруқ бўлиши керак.

Агарда етарли даражада юқорида кўрсатилган бамбук тасвирини ишлашда қўлланиладиган суртмаларни ўзлаштирган бўлсангиз, унда мукамал композиция ишлашга ўтиш мумкин.

Иложи борица композициядаги шохчаларни ва барглари барабар тасвирлаш лозим, негаки қаерда бўш жой қолдириш, қаерга яна барглари қўшиш, ва унга шохчалар чизишни яхлит кўриши керак бўлади.

Амалиёт татбиғида бевосита бамбукдан ташқари, «бамбук суртмалари» билан жуда кўп мураккаб нарсаларни чизиш мумкин.



Масалан: Ниначи қанотлари – «бамбук япроғи», танаси – «бамбук шохи» суртмаси билан тасвирланган.

Суртмаларни шакл жиҳатдан ва ранглари тўйинганлиги бўйича ишланганлиги – чизиларга ифодалик бағишлайди ва уни ҳажмли бўлишини таъминлайди. Албатта, ҳаво перспективаси қонунилари ҳақида унутманг.

Шундай қилиб, тасвирий санъат ўқитувчилари учун анъанавий бамбук образини яратиш бўйича ишлаш технологиясини методик материаллар сифатида тавсия этамиз.

Адабиётлар

1. Абдирасилов С. ва бошқ. Рангтасвир. -Т.: «Инновация-Зиё», 2019.
2. Чень Ян. «Традиции и современность. Китайская миниатюра тушью и акварелью». -М.: Кристина - новый век, 2006.
3. Виноградова Н.А. «Китайская пейзажная живопись». -М.: «Белый город», 2011. –С. 48.
4. ru.wikipedia.org/wiki. Китайская живопись.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаб ўқувчилари учун тасвирий санъат дарсларида Шарқ Осиё мамлакати Хитой санъати ҳақида, унинг рангтасвири энг муҳим турида ишлаш усулини намоён этиш масалалари ҳақида фикр юритилган. Мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари учун анъанавий бамбук образини яратиш бўйича ишлаш технологиясини методик материаллар сифатида келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается китайское искусство Восточной Азии на уроках изобразительного искусства, и практический показ приемов работы в виде живописи для учащихся общеобразовательных школ. В качестве методических материалов для учителей изобразительного искусства представлена технология работы по созданию традиционного изображения бамбука, орхидея.

SUMMARY

This article discusses the Chinese art of East Asia at the lessons of fine arts, and a practical demonstration of the methods of work in the form of painting for students of secondary schools. An orchid is presented as methodological materials for teachers of fine arts, the technology of work on creating a traditional image of bamboo.

БАСЛАҶЫШ КЛАСС ОҚЫҶЫЛАРЫН ҶАТАНПАРҶАРЛЫҚ РУҶХЫНДА ТӘРБИЯЛАҶДА ФӨЛКЛОРДЫҶ КИШИ ЖАНРЛАРЫНЫҶ ТУТҚАН ОРНЫ

К.Алламбергенов – филология илимлериниң докторы, профессор

Т.А.Пазылов – таяныш докторант

Әжинияз атындағы Нәкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Ватанпарварлик, бошланғиш синф ўқувчилари, фольклор, тарбия қуроллари, кичик жанрлар.

Ключевые слова: Патриотизм, младшие школьники, фольклор, учебные пособия, малые жанры.

Key words: Patriotism, elementary school students, folklore, educational tools, minor genres.

Баслағиш класс оқығиыларын Ҷатансўйиўшилиқ руғхында тәрбиялағда, әлбетте, фольклорлық жанрлар үлкен әҳмийетке ийе. Бирақ, қайсы жанрлар баслағиш класс оқығиыларының ақыл-ой-психологиясына ылайықлы деген сағал оқытығиының дыққат орайында

туратуғиы баслы мәселелерден болығиы керек. Себеби, баслағиш класс оқығиылары қурамалы мәселелерди жәмлеген уллы идеялық мазмунды, қурамалы образлар менен өткир сюжетлерди, кескин конфликтлерди хәм кең қамтымлы масштаблы композицияларды бирден